

ДОРИ –ДАРМОН ВА БОҒЛОВ МАТЕРИАЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

“19” январ 2022 йил

Арнасой тумани

“Таъминотчи” деб аталувчи “Жиззах дори-дармон” МЧЖ га қарашли Арнасой туман 11-сон дорихона номидан 2022 йил 27 январдаги №17 сон ишончнома асосида Яхёев Ф бир томондан, ҳамда бундан буён матнда “Харидор” деб аталувчи Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси номидан М.Абдусаттарова иккинчи томондан, куйидаги тўғрисида шартнома туздилар.

**1. Шартнома предмети:**

1.1. Ушбу шартноманинг предмети дори воситалари, боғлов материаллари, дезинфекцияловчи моддалар, кимёвий реактивлар(матнда дори воситалари деб юритилади)ни ташкил этади.

**2. Шартнома нархи (қиймати)**

№	Дори-дармон воситалари ва боғлов материаллар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Лантус инсулин 100 ЕД №5 100,0 (Инсулин аналоглари)	Упк	4	110000	440000
2	Бензонал 0,1 №50 (Фенобарбитал)	Упк	1	20000	20000
<b>ЖАМИ</b>					<b>460000</b>

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 460 000 (Турт юз олтмиш минг) сўмни ташкил этади.

**3. Тўлов шартлари.**

3.1. “Харидор”га етказиб берилган дори воситалари учун маблағни “Жиззах дори-дармон” МЧЖ га қарашли Арнасой туман 11-сон дорихонасининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди.

**4. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддатлари**

4.1. “Харидорга” дори воситалари ва боғлов материални шартнома баҳосининг 30% қиймати олдиндан тўлангандан сўнг 3 кун ичида етказиб берилади, қолган 70% сумма дори воситалари олингандан кейин 10 кун давомида тўлаб беради.

4.2. Мазкур шартнома “31” декабр 2022 йилгача амал қилади

**5. Тарафларнинг ҳуқуқлари**

**5.1. “Харидор” ҳуқуқлари:**

5.1.1. “Харидор” муддатлар бузилган ёки тегишли даражада сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган дори-дармо воситаларини қабул қилмасликка;

5.1.2. “Таъминотчи”дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

**5.2. “Таъминотчи”нинг ҳуқуқлари:**

5.2.1. “Таъминотчи” харидордан етказиб бериладиган дори-дармон воситалари учун олдиндан тегишли ҳақни тўлашини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

5.2.2. Шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган дори-дармон воситаларини қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни “Харидор”дан талаб қилишга ҳақлидир.

**6. Тарафларнинг мажбуриятлари:**

**6.1. “Таъминотчининг” мажбуриятлари:**

6.1.1. Шартномага асосан дори воситалари билан Харидорни ўз вақтида таъминлаш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатсиз дори-дармон воситалари юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 2 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш

6.1.3. Етказиб берилаётган дори воситаларини юк хатларида куйидаги маълумотлар кўрсатилади:

Дори воситаларини тўлиқ фармокологик номи, ўлчов бирлиги, сериялари, сони, ишлаб чиқариш нархлари ва суммалари кўрсатилади.

6.1.4. Дори воситалари Жиззах дори-дармон” МЧЖ га қарашли Арнасой туман 11-сон дорихонаси орқали таъминланади.

**6.2. “Харидор” мажбуриятлари:**

6.2.1. Етказиб берилган дори воситаларини қабул қилиб олиш, уларни қийматини шарномада келишилган муддатда, нархларда ва тартибда “таъминотчига”га тўлаш мажбуриятини олади.

6.2.2. Дори воситаларини “Харидор” “Жиззах дори-дармон” МЧЖ га қарашли Арнасой туман 11-сон дорихонасидан ўзи олиб кетади.

- 6.2.3. Тарафлар ушбу шартномани бажарилиши юзасидан бир тарафнинг талабига кура хар кандай пайтда узаро карздорлик ва туловни тугри амалга оширилганлиги буйича узаро солиштирма далолатнома имзолаш мажбуриятини оладилар.
- 6.3. Коррупцияга оид хукукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки тахдид қилиш ҳолати буйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.
- 6.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайди.

#### 7. Тарафларнинг жавобгарлиги:

- 7.1. Дори воситаларини етказиб бериш муддати кечиктирилган, етарли миқдорда етказиб берилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Харидор"га кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган дори воситалари суммасининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, лекин кечиктирилган дори воситалари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 7.2. "Таъминотчи" томонидан етказиб берилган дори воситалари сифати лозим даражада булмаган дори воситалари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга агар дори воситалар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.
- 7.3. Етказиб берилган дори воситалари ҳақини тўлаш "Харидор томонидан кечиктирилганда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган меъёр буйича кредиторлик қарзи муддати ўтган деб ҳисоблаш мумкин бўлган кундан бошлаб, "Таъминотчи"га кечиктирилган хар бир кун учун тўлов суммасини 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиккан тўлов суммасини 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

#### 8. Низоларни ҳал этиш тартиби:

- 8.1. Шартномани мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар тарафлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Ўзаро ҳал этилмаган низолар юзасидан бир ой муддатда даъво хати юборилади. Ҳал этилмаган низолар суд тартибида кўриб чиқилади. Судининг қарори ҳал этувчи хужжат ҳисобланади.

#### 9. Форс-мажор ҳолатлари

- 9.1. Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафларнинг олдида ушбу шартнома буйича олган мажбуриятини тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (форс-мажор): табиий офатлар, уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, камал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларини ҳукумат томонидан таъқиқланиши билан боғлиқ; ҳолда бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди. Форс-мажор ҳолат бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан берилган хужжатга асосан бир тараф иккинчи ни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантирилади.
- 9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.
- 9.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

#### 10. Бошқа ҳолатлар.

- 10.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгариш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 10.2. Ушбу шартнома иккита нусхада тузилди ва газначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан кейин юридик кучга эга булади.

#### 11. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

##### Таъминотчи:

Жиззах дори-дармон МЧЖга қарашли Арнасой туман  
11-сон дорихона

Мазил: Арнасой туман Бобур МФЙ  
Телефон/факс 91-565-88-75  
Х/р 20208000700304477012  
Банк номи ДТ Халқ банки Арнасой бўлими  
МФО 00683 СТИРи 200344484  
ОКОНХ 71212

##### Харидор:

Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси

Манзил Бобур МФЙ  
Телефон/факс 72-372-11-23  
Ш/х 100022860082017072110054001  
Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 200331571  
ОКОНХ 91511  
Молия Вазирлиги ягона Ғазна ҳисоб вараги  
Ғазна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ  
МФО 00014  
Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Таъминотчи:

Раҳбар:



Ф.Яхеев

Харидор:

Раҳбар:



М.Абдусаттарова